O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 6 март, шанба • № 19 (11.102) • Эркин нархда сотилади

Ислом КАРИМОВ:

ОЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА

Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари

САВОЛ: ***Шу йил 16 февраль куни Тошкентда рўй берган воқеалар, уларнинг сабаблари ва иштирокчилари хусусида мамлакатимиз ва чет эл матбуотида турлича фикр-мулоҳазалар, фараз ва талқинлар билдирилмоқда. Улар орасида мутаассиб террорчи кучларга баҳо берганда ислом динининг асл моҳиятини тўғри англамасдан ёндашиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Муҳтарам Президент, шу масала юзасидан сизнинг фикрларингизни билмоқчи эдик.***

ЖАВОБ: Дарҳақиқат, мазкур воқеалар ҳақида нафақат бизнинг матбуотимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам кўп-кўп чиқишлар бўлмоқда. Уларда турли хил эҳтимоллар, тусмол ва гумонлар баён этилмоқда. Қабиҳ ниятлар билан қилинган бу мудҳиш ишлар орқасида турган кучларнинг ақлга сиғмайдиган қилмишлари тўғрисида холис, вазмин мулоҳазалар билан бир қаторда айрим оммавий ахборот воситаларида асоссиз фикрлар, бирёқлама қарашлар, енгил-елпи хулосалар ҳам кўзга ташланмоқда. Бунга шов-шув гапларга ўч баъзи «чаққон» журналистларнинг, муайян сиёсий ва моддий манфаатлар нуқтаи назаридан иш кўрадиган мутахассис ва шарҳловчиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Бу масалада шахсан менда эътироз уйғотадиган жиҳат шундаки, муқаддас ислом динимизнинг ҳаётимиздаги ўрнини яхши англамайдиган одамлар ҳам бу нозик, мураккаб мавзуга билар-билмас аралашмоқда. Масалага бундай юзаки, бир томонлама ёндашув кишини ранжитади, албатта. Чунки бу хусусда сўз юритаётган айрим муаллифлар бизнинг тарихимизни, бугунги кунимизни, миллий хусусиятларимизни, дини исломнинг Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамиятини, унинг одамлар руҳий дунёсига кўрсатаётган таъсирини яхши тушунмайди, очиқроқ айтсак, бу муаммонинг негизига етиб боролмайди.

Бу ҳақда мен «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли китобимда тўхталиб, дин маданий, маънавий, инсоний қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишда беқиёс хизмат қилган, ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида шундай хулоса чиқариш учун ҳамма асосларга эгамиз, дея зикр этган эдим.

Бу эътиқод юртимиздаги миллионлаб ватандошларим қатори менинг ҳам дунёқарашимга асос бўлиб, бутун борлиғим, маънавий оламим мазмунини ташкил этади.

Айтмоқчиманки, **биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз**. Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта уни беихтиёр Яратгувчининг номи билан боғлайди. Ҳар бир сўзимизни, ишимизни бисмилло айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон кунларимизда Худога шукрона келтирамиз, тавба қиламиз. «Шукур» деган каломни ҳар куни айтмайдиган бирор инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи! Билсангиз керак, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам «шукур» ва «тавба» деган сўзларни энг кўп ишлатар эканлар.

Биз мана шу ёруғ кунларда яшаётганимиз учун, юрту элимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда эмин-эркин униб-ўсаётгани учун Оллоҳ таолога доимо шукроналар айтамиз. Туғилганда қулоғимизга азон айтилади, оила қурганимизда шаръий никоҳ ўқитилади, дунёдан кўз юмганимизда жаноза ўқилади. Ҳатто диндан чуқур хабардор бўлмаган одам ҳам диний урф-одатларсиз, исломий туйғусиз яшай олмайди.

Бизнинг мусулмончилигимиз, Оллоҳга, динимизга муносабатимиз баъзи миллий қадриятларимизда ҳам яққол кўринадики, ҳар бир мусулмон юртдошимиз уларга беихтиёр риоя қилади.

Ҳаммамизга таниш бир манзарани эслайлик. Кўчадан тобут кўтариб бориляпти. Дуч келган йўловчи — у пиёдами, машинадами ёки отлиқми — дарҳол югуриб келиб тобутга елкасини тутади. Камида етти қадам уни кўтаришиб боради. Марҳумни танийдими-танимайдими, бундан қатъи назар, Худо раҳмат қилсин, дея юзига фотиҳа тортади.

Ахир, шунинг ўзи ҳам мусулмончилик, Оллоҳни танишнинг бир кўриниши эмасми? Ахир, шунинг ўзи ҳам Тангри таолога итоат этиш, охиратни ўйлаб яшашнинг бир мисоли эмасми?

Энг муҳими, биз бу ишларни намойиш учун эмас, иймонимиз, эътиқодимиз амри билан адо этамиз. Демак, **дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.**

Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, **Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда.** Бинобарин, халқ ҳақида, унинг миллий хусусиятлари, диний ҳиссиётлари ҳақида кўр-кўрона ҳукм чиқариб бўлмайди. Бу ҳақиқатни мен нафақат февраль воқеалари муносабати билан, балки мамлакатимиз тўғрисида фикр юритадиган барча оммавий ахборот воситалари вакилларига эслатиб ўтишни жоиз, деб билардим.

САВОЛ: ***Кейинги вақтда баъзи хорижий матбуот нашрларида, айрим мухолиф кучларнинг чиқишларида Ўзбекистоннинг дин борасидаги сиёсатида кескин ўзгаришлар бўлади, деб шовшув қилинмоқда. Бундай тахмин ва башоратларнинг бирон-бир асоси борми?***

ЖАВОБ: Дунё афкор оммаси яхши биладики, биз Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат қурмоқдамиз. Барпо этаётган жамиятимизнинг тамойиллари, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва умумхалқ томонидан қабул қилинган. Хусусан, эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомилига етказилди. Биз диний ташкилотлар билан муносабатларимизни қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб борамиз. Айни вақтда улардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб қилинади. Бу халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган йўлдир.

Президент мамлакат Асосий қонуни — Конституцияга тўла амал қилинишига кафолат берадиган шахс. Шундай экан, мен бутун масъулиятни зиммамга олиб айтаманки, юқорида зикр этилган шов-шувларга мутлақо ўрин йўқ.

Агар масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўғлиман. Алҳамдуллиллоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман.

Оқ-қорани, дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нимаю сохта ақидалар нималигини, ким пок ниятли художўй инсону ким мунофиқ риёкор эканини яхши билади.

Таассуфки, баъзан ислом дини ва ислом фундаментализми ҳақида гапирганда бу икки тушунчани бир-бирига аралаштириб юбориш ҳоллари учрамоқда. Маълумки, ҳозир дунёда 1 миллиард 300 миллион одам ислом динига эътиқод қилади. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб кучлар, табиийки, ер юзидаги барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди.

Энг ачинарлиси шундаки, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бу эса исломнинг инсонпарварлик ғояларини обрўсизлантиришга сабаб бўлмоқда.

Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, аввало, Оллоҳ ва унинг расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуғ алломаларимиз, улуғ имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Замаҳшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улуғ номлар билан боғлаймиз. Ким бу ҳақиқатни инкор эта олади?

Нега биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб шу улуғ аждодларимизнинг табаррук номларини тиклашга киришдик? **Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуғ номларсиз, бу улуғ номларни эса динимизсиз тасаввур қила олмаймиз.**

Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам бахраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. **Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз.**

Бу борада амалга оширган кўп-кўп ишларимиз — динга оид минглаб китоблар нашр этилгани, масжиду мадрасаларни обод қилганимиз, буюк алломаларимизнинг таваллуд саналарини дунё миқёсида нишонлаганимиз, уларнинг эски замонда оёқости бўлиб қолган абадий масканларини чинакам зиёратгоҳларга айлантирганимиз — буларнинг барчаси халқимизнинг дини исломга меҳр-муҳаббати, ҳурмат-эҳтиромининг яққол тасдиғи эмасми?

Менга баъзан, ахир, диндорлар сизнинг ҳаётингизга суиқасд қилишди-ку, деган гижгижловчи, очиғини айтсам, динга бўлган муносабатимни, керак бўлса, сиёсатимизни ўзгартиришга ундовчи саволлар ҳам беришади.

Бу хусусда менинг нуқтаи назарим, жавобим шундай: ўша мудҳиш воқеалар муносабати билан Олий Мажлисда бўлиб ўтган ҳукумат йиғилишида мен ёшларимизни ҳеч кимнинг қўлига бериб қўймаймиз, деган қатъий фикрни билдирган эдим. **Шу фикрни ривожлантириб айтаманки, мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас ислом динимизни, отаболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашига, жамиятимиз ҳаётига хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман**. Бу вазифани ўзимнинг нафақат Президент сифатидаги, балки бир мусулмон инсон сифатидаги муқаддас бурчим деб биламан.

Юртимизда бугунги бунёдкорлик ишларимизда фаол қатнашаётган, давлатимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётган, ҳар ибодатида Ватанимиз тинчлиги, халқимиз омонлигини Яратгандан илтижо қилиб яшайдиган миллионлаб соф ниятли мусулмонлар бор. **Уларнинг ўз диний эҳтиёжларини бундан буён ҳам эмин-эркин адо этишлари учун ҳеч қандай монелик қилинмайди. Мен бунга асло йўл қўймайман.**

Портлашларни содир этган ижрочилар ва бу кучларнинг орқасида турган ёвуз, жоҳил кимсалар эса уларнинг тирноғига ҳам арзимайди. Ўзингиз айтинг, ўз она-Ватанига қўл кўтарган одам одамми?! Бегуноҳ инсоннинг ҳаётига зомин бўлган одам одамми?!

Ҳаммамиз яхши биламиз, Қуръони каримда бировнинг қонини ноҳақ тўкиш гуноҳи азим, дейилган. Бир бегуноҳ одамни ўлдириш — бутун оламни ўлдириш билан тенг, дейилган. Хўш, ўзини «ҳақиқий мусулмон» деб ҳисоблайдиган, лекин қилмиши қўпорувчилик, ҳунрезлик, қотилликдан иборат бўлган бу манфур кимсаларнинг мусулмончиликка қандай даҳли бор?!

Бу фикрдан мени ҳеч ким қайтара олмайди.

Содир этилган қўпорувчилик хуружлари хусусида ғазаб-нафрат билан муносабат билдираётган минг-минг ватандошларимизнинг фикру зикри ҳам айнан шундай эканига иймоним комил.

Такрор айтаман: биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз шаънига доғ туширимоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз.

8-Март — Халқаро хотин-қизлар куни

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Муҳтарама оналаримиз!
Мунис опа-сингилларимиз!
Азиз қизларим!

Аввало барчангизни 8-Март — меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Аёл — Оллоҳ таоло яратган табиатнинг энг буюк мўъжизаси.

Табиат азиз аёлларимизга мунислик ва мушфикликни, эзгулик ва нафосатни абадий фазилат қилиб берган. Ҳар бир инсон кўнглини мунаввар қилгувчи, наинки оилага, балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишлагувчи ҳам аёлдир.

Биз хонадонларимиз кўрки, юртимиз бекаси бўлмиш аёл зотидан — авлодлар силсиласини давом эттираётган, ҳаётимизнинг гўзаллиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек сақлаб келаётган оналаримиз, опа-сингилларимиздан умрбод қарздормиз. Улар туфайли бу дунёда муҳаббат ва мурувват, инсоф ва диёнат доимо барқарордир. Жаннат оналарнинг оёғи остида, деб бежиз айтилмаган, ахир.

Фарзандларимиз қалбига покиза туйғулар, олижаноб инсоний фазилатлар аввало оналарнинг оқ сути ва меҳр-шафқати билан сингади.

Жамиятимизнинг эзгу орзу-ниятларини амалга ошириш мақсадида энг катта таянчимиз ва умидимиз бўлмиш ёш авлодни тарбиялаш ва камол топтиришда мунис ва муштипар аёлларимиз, меҳрибон оналаримизнинг ўрни ва таъсири беқиёс эканини юксак қадрлаймиз.

Муҳтарама опа-сингиллар!

1999 йилни мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилишдан мақсадимиз — аввало хотин-қизлар ўз қадр-қимматини янада чуқурроқ ҳис этиши, ўзининг бой маънавий дунёсини, меҳрибонлик қудратини намоён қилиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, кундалик турмушимизда ўзига муносиб ўринни эгаллаб олишидир.

Шу билан бирга, бу йил давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида халқимиз фаровонлигини ошириш, тараққий топган давлатлар даражасига етиб бориш йўлида салмоқли қадам бўлғай, иншоолло.

Менинг жамоатчилигимизга, бутун халқимизга даъватим шуки, аёлларимизнинг оғирини енгил қилайлик, уларни асраб-авайлайлик, ҳар бир кунини мунаввар байрамга айлантирайлик.

Яна бир бор барчангизни қутлуғ айём билан чин қалбимдан табриклайман.

Яратгандан Сизларга омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

АЁЛ ДЕГАН ЗОТ — ЎЗИ БИР ЖАҲОН

КЕЧА Қибрай туманидаги «Дўрмон» жамоа хўжалигининг маданият саройида 8-Март байрами муносабати билан вилоят хотин-қизларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

ДУНЁДА аёлдан буюк ва мўътабар зот йўқ, дейдилар. Ҳақ гап. Зеро, унинг тимсолида тарих тилга киради. Унинг тимсолида буюк келажак гавдаланади. Бу ҳам бежиз эмас. Ўзбекнинг ўтмиш тарихини, улуғ алломаларини аёл — она дунёга келтирган. Элига, юртига, халқига садоқатли қилиб тарбия берган. Айни вақтда нурафшон истиқболимиз ворисларини ҳам улар вояга етказмоқдалар.

Аёл — она буюк бўлганлиги учун ҳам уни Ватанга, муқаддас заминга менгзайдиларки, бунинг тагида ҳам олам-олам маъно бор.

Шаркда аёллар ҳамиша эъзозлаб келинган. Лекин, бугун шуни тўла ишонч ва мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, мустақил Ўзбекистонда улар янада қадр-қиммат топмоқдалар. Биз учун азиз ва мўътабар бўлиб бормоқдалар. Қарийб бир ҳафтадан буён жойларда халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтаётган тантаналар бунинг яна бир ёркин тимсолидир.

Дарвоқе, бу йилги 8-Март байрамининг ўрни алоҳида. Чунки, 1999 йил Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилинди. Бу юқоридаги фикрларимизнинг яна бир исботидир. Шу ўринда Юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари ёдга келади:

«...Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман.

Шундай экан, ўсиб келаётган янги авлодни ким она алласи билан эзгуликка ўргатади, ким уни парвариш қилади, ким уни Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялайди, ким етук инсон қилиб вояга етказади?

Албатта, халқ тақдири, миллат истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу улуғ ва масъулиятли иш фақат оналарнинг қўлидан келади».

Дарҳақиқат, бугунги замондош мунис онажонларимиз, опа-сингилларимиз ўзларининг фидокорликлари, мустақил Ватанимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссалари, садоқатлари билан ана шундай эъзоз ва эътиборга лойиқдирлар. Узоққа бормайлик, биргина Тошкент вилоятида улар амалга ошираётган ишларнинг кўлами шунчалик кенгки, айтиб адоғига етиш қийин. Улар беистисно халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишда эркаклар билан ёнма-ён туриб, меҳнат қилмоқдалар, жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўли хотин-қизларимиз учун ҳам янги-янги имкониятларни очмоқда. Энг муҳими уларнинг меҳнати қадр топмоқда. Бугун фидойи ишчи аёллар, уста пахтакорлар, олималаримиз, зиёлиларимиз, тадбиркор хотин-қизла-

(Давоми 3-бетда).

"ФЕВРАЛЬ ВОҚЕАЛАРИ":
1999 йил, 27 февраль

Акс-садо

ҚОРА НИҚОБ ЭДИ ОҚ ПАХТАМИЗ

«ФЕВРАЛЬ ВОҚЕАЛАРИ» мақоласини ўқиганимдан сўнг мен ҳам оддий бир меҳнаткаш бўлсам-да, чуқур ўйга толдим. Негаки, мақолада февраль воқеаларини онгли идрок ва таҳлил этиш мақсадида «Бу тажовуз нима учун қилинди? Бу жаҳолат орқасида кимлар турибди? Уларнинг асл мақсадлари нима?» деган ҳақли саволлар кўндаланг қўйилиб, уларга аниқ далиллар билан ўринли жавоблар берилган.

Айниқса, мунофиқларнинг ўзбек халқини узоқ йиллар давомида абгор қилиб келган пахта яккаҳокимлиги муаммоларидан фойдаланиб қолишга разилона уринганлиги туманимиздаги минглаб асл пахтакорлар қатори менда ҳам кучли нафрат уйғотди. Тўғри, собиқ марказнинг Ўзбекистондаги ҳар қарич унумдор экин майдонини пахтазорга айлантириш сиёсати бизга қимматга тушди. Устига устак «пахта иши», «ўзбеклар иши» каби йўқ ердан ўйлаб топилган ясама айблар билан не-не уста пахтакорларимиз, ўрта ва қуйи бўғин раҳбарларимизнинг қўлларига кишан уришгани ортиқча бўлди. Ноҳақ қамалиб, аёвсиз қийноқларни бошдан кечирган кўплаб ҳалол-пок, айбсиз айбдорлар руҳий, маънавий хўрлик ва азобларга дош беролмай, дунёдан бевақт кўз юмиб кетдилар. Олчоқлик қурбонлари бўлган бундай бегуноҳ марҳумлар озмунчами?! Пахта яккаҳокимлиги ҳақида ғаразли мақсадлар билан айюҳаннос солган ватанфуруш амалпарастларни ноҳақ қазо топган ана шу мўминларнинг арвоҳлари уради, албатта.

Агар ватанфурушларда ғирромлик, мунофиқлик эмас, балки, чинакам ватанпарварлик, халқпарварлик туйғулари зоҳир бўлганида, панада писиб ётмай, очиқ майдонда, адолат тамойилларига асосланган ҳолда холис саъй-ҳаракат қилмасмидилар? Ўзбекистон мустақилликка эришиб, демократик ҳуқуқий давлат қуришга астойдил киришган кунларни эслайлик. Айрим янги чиққан «қаҳрамон»ларнинг асл ниятлари ўша пайтлардаёқ очиқ-ошкор аён бўлиб қолди. Уларга давлат бошқарув органларидан юқори лавозимлар таклиф қилинганда, кескин рад этдилар. Чунки, уларнинг асл мақсади ҳокимиятни тўлалигича қўлга олиш ва уёғига «шоҳона ҳаёт» кечириш эди.

Лекин, улар чучварани хом санашгани тез кунларда аён бўлди. Халқ сайлаган Президент Ислом Каримов бошчилигида бутун ўзбек халқи демократик ҳуқуқий жамият барпо этишга астойдил киришди. Республикамиз меҳнаткашлари Юртбошимизнинг атрофида мустаҳкам жипслашиб, амалга ошираётган туб ислоҳотларнинг натижаларини бугунги кунда кўплаб хорижий мамлакатлар ҳам тан олмоқда.

Фикримизнинг далили учун ўша пахта яккаҳокимлиги масаласини олиб кўрайлик. Мақолада тўғри таъкидланганидек, бу иллат ҳозирги кунда бутунлай барҳам топди. Биринчидан, кўплаб аввалги пахтазорлар ўрнини эндиликда ғаллазорлар эгаллади. Иккинчидан, республикада етиштирилаётган пахта хом ашёсини ўзимизда тўла қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш мақсадида бир неча вилоятларда йирик тўқимачилик мажмуалари барпо этилди, яна янгилари қурилмоқда.

Дарвоқе, ғирром «сиёсатчи»ларнинг раҳнамолари бизнинг айнан шу ютуқларимизни кўролмаётган бўлсалар, не ажаб! Нима бўлганда ҳам тарих орқага қайтмагани сингари, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўзбек халқи ҳам танлаган йўлидан чекинмайди. Буюк келажак сари йўлга чиққан Ўзбекистонни бу йўлдан қайтарадиган куч йўқ.

Абдусамад БЎРИҚУЛОВ,
Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» ширкатлар уюшмаси бўлим бошлиғи.

ҚЎРНАМАКЛИК ЭМАСМИ?

ИНСОН борки, ўз олдига бир мақсад қўйиб яшайди. Истиқлолга эришганимиздан кейин халқимиз буюк келажагимизнинг пойдеворини яратиш йўлида етти йилдан буён фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Эришилган муваффақиятлар кўз ўнгимизда намоён. Дарҳақиқат, «Халқ сўзи» газетасининг 27 февраль сонида босилган «Февраль воқеалари» мақоласида қайд этилганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади инсон манфаатига, унинг иззатини жойига қўйишга қаратилганидан ким кўз юма олади. Чиндан ҳам «Аёллар йили» аёлнинг, «Инсон манфатлари йили» инсоннинг улуғланишига, қадр-қимматини теран англаб етишига, ўзига ҳурмат билан қарашига, эътибор муҳити қарор топишига самарали таъсир кўрсатганлигини ҳис этмаслик, кўрмаслик мумкинми, ахир.

Мустақиллик йиллари ичида мамлакатимизда пенсия миқдори йигирма мартадан кўпроқ ошди, болаларга тўланадиган нафақалар кўпайди. Аёллар истиқлолгача фарзанд кўрганларида 1 йилдан сўнг ишга чиқиб кетаверган бўлсалар, эндиликда бола 3 ёшга тўлгунга қадар меҳнат муддатлари сақланган ҳолда уни парваришлаш ҳуқуқига эгадирлар. Пенсияга чиқаётганларида эса аёллар учун яна умумий меҳнат муддатларига 6 йил қўшиб бериладиган бўлди. Ёки ногирон болали онани имтиёзли пенсия билан таъминлашдек шароит яратиш ҳақида илгари биров тасаввур қилганми?

Буларнинг ҳаммаси юртимиз озодлиги, ҳурлиги шарофатидир. Биз мустақилликнинг дастлабки йилларида республикамизни маънавий инқироздан олиб чиққан, тарихимизни, қадриятларимизни қайта тиклаган фидокор инсон Президентимиз эканлигини яхши биламиз.

Шуни айтайки, ёшларимизни издан чиқараётган, хорижда изғиб юриб, ўз Ватанига ёмонликни раво кўраётган кўрнамаклар ҳеч қачон кўкармайди. «Сохта демократларнинг» сафсатабозликлари халқимизга аён. Шундай кун келадики, тарих ҳамма нарсани ўз жойига қўяди. Ҳаётимизга тажовуз қилаётган диний ақидапарастлар, қўли ва кўнгли қонсираган мунофиқларнинг жазо олиши муқаррардир.

Ҳукминиса СОДИҚОВА,
Тошкент тумани, пенсионер ўқитувчи.

ЎЗБЕК ОНАСИ

Муштипар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг,
Куйинчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг,
Оламга татирлик суюк ҳам ўзинг,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси, ўзбек онаси.

Сени Тўмарис деб, мақтаганим бор,
Сен Темур бешигин тебратган бедор,
Сенсан Бибихоним, Нодираи зор,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси, ўзбек онаси.

Ватанни она деб бекор айтилмас,
Она буюрганда йўлдан қайтилмас,
Сен ўзинг Каъбамсан, Байтул муқаддас,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси, ўзбек онаси.

Бошингдан нималар ўтмади ахир,
Ватандек тақдиринг бўлди гоҳ таҳир,
Бобур шоҳ бўлсада, қошингда фақир,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси, ўзбек онаси.

Гоҳида балқидинг Барчиндек тўлиб,
Гўзадек қуридинг Турсуной бўлиб,
Тимсолинг яйловда юлдуздек кулиб,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси, ўзбек онаси.

Фарзандинг қувонса — сен ҳам қувондинг,
Фақат болам дединг, яшадинг, ёндинг,
Нокаси учраса, ўртандинг, тондинг,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси, ўзбек онаси.

Келажак тойчоғу тойингиздадир,
Жаннат ҳам, албатта, пойингиздадир,
Ватан-ку Сиз турган жойингиздадир,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси, ўзбек онаси.

Сизга таъзим қилиб турибман бу пайт,
Сизга бахшидадир энг шоҳона байт,
Азиз Юртбошингга дуоларинг айт,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси, ўзбек онаси.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони. (ЎзА).

ТОШКЕНТ ВОҲАСИДА ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАР

ҲАР бир қўшиқ, ҳар бир мусиқанинг ўзига яраша жозибаси бор. Дилга ором, кўнгилга лаззат бахш этадиган янги асарлар киндик қони тўкилган заминда янграса, унинг таъсири, жозибаси ўзгача бўлар экан.

Якуний кўрик-танлов бошланишига бироз вақт борлиги учун айрим бадиий дасталар, якка хонандалар билан суҳбатлашиш имкони туғилди. Магдалина Ким. «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги «Осандэк» — «Бештоғ» дастасининг раҳбари. У ўз бағрига ўттиздан зиёд катта ёшдагиларни, йигирма нафардан кўпроқ ўсмир ва болаларни олган. Дастур ранг-баранг. Улар ўзбек, корейс, қозоқ тилларидаги қўшиқларни бемалол ижро этаверишади.

— Умидли дунё, — дейди Магдалина, — юқорироқ ўрин олиш учун интиляпмиз. Сафимизда хушовоз қўшиқчилар кўп. 1-ўрта мактаб дўмбирачилар бадиий дастаси раҳбари Абдусаттор Саидбаттолов ҳам жамоа руҳи баландлигини, бу йил асосан замонавий куйлар ижросига кўпроқ эътибор берилаётганлигини таъкидлади. 37-мактабдан келган ҳаваскорларнинг устозлари Олтиной Иброҳимова, Ойжамол Исоқовалар шогирдлари Алима Толипова, Мунира Утегеновалар кўрикка катта тайёргарлик кўрганликларини таъкидладилар...

Белгиланган вақтда кўрик-танлов бошланди. Очиғини айтиш керак, истиқлол йиллари ичида санъатга ихлос қўйганлар сони анча кўпайди. Улар орасидан энг истеъдодлилари туман танловига таклиф қилингани яққол сезилиб турарди. Бош мавзу — Ватанни мадх этишга қаратилган бу имтиҳондан «Гулистон» ширкат хўжалигининг «Висол» гуруҳи муваффакиятли ўтиб, биринчи ўринни эгаллади. Гуруҳга истеъдодли қўшиқчи Ҳайрулла Мирғиёсов бир неча йиллардан бери раҳбарлик қилиб келмоқда. У ҳаваскорлар дастурини замонавий қўшиқлар билан бойитди. Ватан ҳақидаги янги шеърларни ижро учун танлади. Малакали бастакорлар уларга куйлар ёзиб беришди.

Иккинчи ўрин 3-мактаб жамоаси ва «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги фольклор дастасига, учинчи ўрин эса 22-ўрта мактаб дўмбирачиси Қанот Эркабоев, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги болалар хори ҳамда 3-мактаб якка хонандаси Мадина Аҳмадалиеваларга насиб этди.

Айни пайтда кўрик-танловда кўп йиллардан буён ўз дастури билан нафақат Юқоричирчиқ туманида, балки вилоятда ҳам танилиб келаётган Баҳриниса Пардаҳўжаева бошчилигидаги «Муножот» дастасининг онахонлардан иборат қўшиқчилари томошабинларнинг бир неча бор олқишларига сазовор бўлдилар.

Саидвали ҲАСАНОВ.

Суратларда: қўшиқ байрамидан лавҳалар.

Владимир ҒРАНКИН олган суратлар.

ДЕПУТАТ ҲИСОБ БЕРДИ

ЎТГАН йилнинг декабрида бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тўққизинчи сессиясида депутатнинг бурчи ҳар қачонгидан ҳам кўра равшанроқ аниқлаб берилди.

Бу анжумандаги маърузасида Президентимиз халқ сайлаб қўйган ишончли вакил ҳақида тўхталиб: «...депутатларнинг вазифаси фақатгина сессияларда қатнашиш, ҳокимни сайлашдангина иборат эмас. Улар вилоят ҳаётига фаол аралашмоғи, муаммолар ечимига ижобий таъсир кўрсатмоғи лозим...» деган эдилар.

Бу сўзларнинг мазмунини чақар эканман, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутати Раҳимжон Умиров фаолияти кўз олдимга келди. У ўтган тўрт йил ичида кўп ишларни амалга оширди. Аввало, ҳақиқий мулк эгаси, тадбиркорликнинг баланд-пастига тушунган инсон сифатида танилди. Одамлар эҳтиёжини, ўзи истиқомат қилаётган ҳудудда шарт-шароитларни инобатга олиб иш юритди. Муҳандислик дипломига эга бўлган мутахассис туманда маҳаллий саноатни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Шу кунларда у Олимкент қўрғонида бунёд этган кичик корхона бир кеча-кундузда 60 тонна ёғ ишлаб чиқармоқда. Бу маҳсулот қолдиқлари бўлган шелуха, кунжара эса аҳолига арзон нархда сотиляпти.

Депутат ўз сайловчилари таклифларига кўра тумандаги қурилиш, ободончилик ишларига ҳам имконият даражасида ёрдамлашиб келмоқда.

Яқинда Р. Умиров ўзига ишонч билдирган кишилар олдида ҳисоб берар экан, ўтган вақт мобайнида рўёбга чиқарган ишлари ҳақида батафсил тўхталди.

Айни пайтда Олимкентдаги мактаб ва маданий муассасалар биноларини таъмирлашга ҳисса қўшишини ҳам билдирди.

Депутат билан учрашувда сўзга чиққан К. Эгамбердиев, Н. Мажидова, Н. Ғуломовалар Р. Умировнинг аҳолининг талаб, эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ўз бурчини сидқидилдан адо этаётганлигини таъкидладилар.

Ҳусан АВВАЛОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар ● одамлар ● воқеалар

ОНАЖОНЛАР, ОПАЖОНЛАР, СИНГИЛЖОНЛАР, БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН!

● ПАРИЖ яқинидаги Ромбуйе қасрида бўлган Косово масаласига бағишланган музокаралардан сўнг маҳаллий албанлар ҳамда серблар ўртасидаги қуролли можаролар бошқатдан авж олди. Шу муносабат билан НАТО ҳарбий қўмитаси раҳбари Клаус Науман Ғарб мамлакатлари Косоводаги қонли ҳаракатларнинг «тиғинини жиловлаш» учун ўлкадаги қарама-қарши гуруҳларга ўз таъсирини ўтказишни давом эттиради, деб баёнот берди.

● АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним ХХРга келди. Ташриф давомида бош вазир Жу Жунцзининг апрелда Вашингтонга киладиган сафари масалалари муҳокама қилинди.

● БУЮК Британия ташқи ишлар вазири Робин Кук Россияга сафар қилди. У мамлакат шимолидаги экология масалаларини биргаликда ҳал этиш бўйича учрашувлар ўтказди.

● ЭРОН Ислом Жумҳуриятида кейинги йигирма йил мобайнида биринчи марта маҳаллий ҳокимият идораларида сайловлар бўлиб ўтмоқда. Унда мамлакат президенти Муҳаммад Ҳотамий тарафдорларининг кўли баланд келмоқда.

● ҚИРҒИЗИСТОН президенти Асқар Акаевнинг Италияга расмий ташрифи бошланди.

● ЧИЛИ олий суди раиси Роберто Давила мамлакатнинг собиқ ҳукмдори Аугусто Пиночет устидан бўладиган суд жараёнининг Испанияда ўтказилишига қатъиян қарши эканлигини билдирди.

● ИККИ ҳафта бурун Чеченистонда Россия телеканалларининг кўрсатувлари дафъатан тўхтатиб қўйилган эди. Чоршанба кундан бошлаб кўрсатувлар яна қайта тикланди.

КАБИЛА ҚЎШНИЛАРИГА ИШОНМОҚДА

КОНГО Демократик Республикаси ҳукуматининг иттифоқчилари мамлакат президенти Лоран-Дезере Кабилани қўллаб-қувватлаш мақсадида бу ердаги ўз ҳарбийлари сонини ва уларнинг ҳарбий куч-қудратини оширади. КДР пойтахтида Зимбабве, Ангола ва Намибия президентлари иштирокида бўлиб ўтган музокаралардан сўнг ана шундай қарор қабул қилинди. КДР ҳукумати вакилининг айтишича, Конго армияси иттифоқчилар кўмагида мамлакатга бостириб кирган Уганда, Руанда ва Бурунди қўшинларини ҳамда кўзғолончиларни яқин вақт ичида ўз ҳудудидан қувиб чиқаришни режалаштирмоқда.

ЗАКОВАТ ЙЎЛИ МУШКУЛ ЭКАН

1960 ЙИЛ 1 октябрида мустақилликка эришган Нигерия халқи ҳанузгача тотли ҳаётнинг гаштини тўлиқ сургани йўқ, десак хато бўлмайди. 80 миллионлик аҳолиси бўлган, Африкадаги энг катта мамлакатда ўтган ҳафтада президент сайловлари амалга оширилди. Оврупо Иттифоқидан салкам 100 киши, Африка Бирдамлиги Ташкилотидан эса 50 нафар вакил иштирок этган жараёнларда овоз бериш тамойилларига асосан риоя этилди, деган хулосага келинди. Кўпчилик мутахассислар Нигерияда демократик асосда ўтказилган сайловлар ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий соҳаларга ижобий таъсир кўрсатади, деб умид қилмоқдалар.

Мустақил сайлов комиссияси маълумотларига қараганда, Халқ Демократик партияси вакили, мамлакатнинг собиқ ҳарбий ҳукмдори Олусегун Обосанжо 62,78 фоиз овоз олиб, сайловда ғолиб чиқди.

Мағлубиятга учраган унинг рақиби — Олу Фалае мамлакатда миллий бирлик ҳукумати тузишни таклиф қилди. Янги сайланган президент 29 май куни қасамёд қилганидан кейин ҳокимият халқ қўлига ўтиши мўлжалланмоқда. Шундагина узоқ йиллар давомида ҳарбий диктатура тузуми остида бўлган мамлакат эркин, демократик йўлни танлаши мумкин.

ЧЎҒ АЛАНГА ОЛМАСЛИГИ КЕРАК

СЎНГГИ кунларда Исроил билан Лубнон давлати ўртасида катта можаролар келиб чиқди. «Хизбуллоҳ» оқими жангариларининг қўйган минасидан портлаган автоуловда генерал Эрец Герштейн ва уч нафар фуқаро ҳалок бўлгандан сўнг вазият қалтис тус олди.

Шу кеча-кундузда «катта уруш»нинг олдини олиш учун минтақадаги ва бошқа қитъалардаги давлат раҳбарлари ҳаракатга тушиб қолдилар. Лубнон президенти Эмил Лахуд Сурия раҳбари Ҳафиз Асад билан телефон орқали суҳбатлашиб, мамлакат жанубида юзага келган кескин вазиятни муҳокама қилди. Лубнон бош вазири Салим ал-Хосс БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлган қатор давлатлар раҳбарлари билан мулоқотда бўлиб, Исроилнинг ўз мамлакатига қилаётган таҳдидан ташвиш билдирди.

АҚШ-маъмурияти Яқин Шарқдаги вазиятнинг кескинлашгани муносабати билан минтақадаги барча давлатларни босиқ ва вазмин бўлишга даъват этди. АҚШ, Исроил, Лубнон ҳамда Сурия ўртасидаги барча муаммоларни тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиш тарафдори эканлигини билдирди. АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэннинг бугун эрта Яқин Шарқ ҳамда Форс кўрфази давлатларига қиладиган сафари ҳам ана шу мақсадларни амалга оширишда ўзига хос босқич бўлади.

«Хизбуллоҳ» ташкилоти раҳбарияти эса Жанубий Лубнонни озод қилиш учун Исроилга қарши қуролли кураш давом этажаклигини маълум қилди. Қоҳира радиосининг хабар беришича, мазкур ташкилот етакчисининг ўринбосари Наим Қосим Исроил армияси ва унинг ҳомийлигида ҳаракат қилаётган Жанубий Лубнон армиясига қарши ҳарбий ҳужумлар ўтказмасликка бизни ҳеч ким мажбур қила олмайди, деб баёнот берди. Жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчилари Яқин Шарқдаги қалтис муаммоларни ечишда оқиллик билан иш юритмоқ лозим, деб ҳисобламоқдалар. Улар қандай бўлмасин, «чўнинг аланга олмаслиги учун» барча чораларни кўрмоқ керак, деб ҳисобламоқдалар.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● ЯҚИНДА Миср халқи ер куррасидаги энг қари киши бўлган 132 ёшли Муҳаммад Аббо Саббоҳни сўнгги йўлга кузатдилар. Дафн маросимида М. А. Саббоҳнинг юзлаб авлодлари иштирок этди. Касби ҳосилот бўлган бу инсоннинг Нил дарёси соҳилида узоқ йиллар умр кечириб, ичиш ва чекишга яқин келмаганлиги маълум бўлди. Боз устига отахон ҳар куни бир неча километр пиёда юришни канда қилмаган экан.

● ЯҚИНДА Грузия пойтахтида шов-шувга сабаб бўлган воқеа содир бўлди. Коррупция ва иқтисодий жиноятга қарши кураш бош бошқармасининг ходимлари 990 минг ҳажмдаги қалбаки АҚШ долларини «сув қилаётган» икки фуқарони қўлга олдилар. Мазкур бошқарма раҳбари Каха Бакурадзенинг гапларига қараганда, сохта долларлар Грузиядан «ташқарида» босиб келтирилган.

● ЛИТВАНИНГ Мариямполе шаҳри судида суд жараёни бормоқда эди. Жиноятчи сукут сақлаб ўтирарди. Бирдан унинг қорнидан ғалати мусиқа товуши эшитила бошлади. Ҳанг-манг бўлиб қолган адолат ҳакамлари сўроқларни вақтинча тўхтатдилар. Лекин, маҳбус бирдан қорнини чангаллаб, додлай бошлади. Маълум бўлишича, у судни орқага суриш учун бу ерга келиш арафасида чўнтак соатини ютиб юборган экан. Мўлтони йигит дарҳол қамоҳона шифохонасига олиб кетилди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

8-Март — Халқаро хотин-қизлар куни

Аёл – ҳаётимиз чироғи, умримиз гули

АЁЛ ДЕГАН ЗОТ – ЎЗИ БИР ЖАҲОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

римиз сафи кенгайиб, қулоч очиб бораётганлиги бизда чексиз фахр-ифтихор уйғотади. Айни пайтда биз мунис ва дилбар оналаримиз, опа-сингилларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, келажагимиз ворислари бўлган фарзандларимизни — баркамол авлодни вояга етказишлари учун барча имкониятларни яратиб бериш учун ҳаракат қилмоғимиз керак.

Вилоят, шаҳар ва туманларда ишлаб чиқилган ва ўз ижросини топаётган «Аёллар йили Дастури» ана шундай эзгу ишларнинг дебочасидир.

Қибрай туманидаги «Дўрмон» жамоа хўжалигининг маданият саройида 8-Март байрами муносабати билан бўлиб ўтган тантанада ана шулар ҳақида гапирилди. Бу ерда шу куни вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан келган оналаримиз, уруш ва меҳнат фахрийлари, фаол хотин-қизларимиз шарафландилар.

Йиғилганларни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов табриклар экан, «Эл юрт ҳурмати» ордени соҳибаси, қибрайлик ўқитувчи Наима Турсунхўжаева, «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори, бўкалик бригада бошлиғи Мавжуда Кенжаева, чирчиқлик велосипедчи, жаҳон чемпиони, «Дўстлик» ордени соҳибаси Фотима Галиуллина, олмалиқлик шифокор, «II даражали Соғлом авлод учун» ордени нишондори Равшаной Икромова ва шунга ўхшаш юзлаб, минглаб аёлларимиз билан фахрланаяжаклигимизни таъкидлаб уларга энг эзгу тилакларни изҳор этди ҳамда вилоят тараққиётига ҳисса қўшаётган хотин-қизларимизнинг бир гуруҳига вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғаларини топширди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Хўжаева ўз сўзида вилоятда аёлларимизнинг тутган ўрни ва меҳнатларига тўхталиб, кўрсатилаётган эътибор ва яратиб берилаётган имкониятлар учун миннатдорчилик билдирди ҳамда бир гуруҳ хотин-қизларга махсус совғалар топширди.

Ҳа, шу куни тўкин дастурхон атрофида мўътабар зот вакилалари чинакам шарафландилар. Вилоят маданият ишлари бошқармаси, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасининг Тошкент вилояти бўлими қошидаги жамоалар санъаткорлари юқорида айтилган улуғ зот — бувиларимиз, оналаримиз, опа-сингилларимиз хизматида бўлдилар.

Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

ТУҲФА ТУТСАМ МАЙЛИМИ...

ХАЛҚИМИЗДА «Гулдан улуғ совға йўқ» деган нақл бор. Бу доно нақлнинг туб маъноси шуки, тўй-ҳашам, тантана, инсонларнинг энг бахтли онларида улар учун гул энг севимли, қимматли, ардоқли, ниҳоятда хуш ёқадиган совға бўлади. Унинг ўрнини бошқа бирор совға босолмайди. Фараз қилинг, дастурхонимиз турли хил анвойи ноз-неъматлар билан тўкин қилиб безатилган. Лекин, нон бўлмаса... Худди шунингдек, яқин кишингизга ҳар қандай қимматбаҳо буюмни совға қилаётиб, бир жуфт гул қўшиб ҳадя этсангиз, қандай яхши!

Лекин бу нодир ҳисобланмиш совғани — гулни биз нима учун эркакларга эмас, кўпроқ аёлларга, уларнинг байрамларида, туғилган кунларида тақдим этамиз. Бу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз?

Менимча, жавоби шундай: аёлларнинг ўзи — ҳаётимизнинг гуллари. Табиий гуллар эса уларни янада гўзал қилади, чиройини, қулф-дилини очиб юборади.

Сиз мунис ва меҳрибон волидаи муҳтарамангизга, турмуш ўртоғингизга, борингки, синглингизга, опангизга гул совға қилганингизда уларнинг ўша дақиқалардаги қиёфалари, ҳолатларига диққат билан назар солганмисиз? Албатта, янгича мазмун, янгича дунёни, янгича гўзалли-гу хушнудликни кашф этган бўласиз. Ўша дамларда қувончдан энтикиб, кўзига ёш олган онанинг, мен аминманки, қизалоқлик пайтидан бошлаб то улғайгунгача босиб ўтган ҳаёт йўллари, кўз ўнгида, бирма-бир гавдаланади. Чеҳраси ёришиб, ажин оралаган юзлари бир лаҳза бўлса-да, тиниқлашади. Буни сиз жуда аниқ ҳис қиласиз.

Ана, у титроқ қўлларини дуога очяпти, «жумлаи мўмин қатори менинг ҳам оиламни, фарзандларимни, невара-чевараларимни ўзинг асра, Аллоҳим», деб дуо қилади. Шу он, шу лаҳзаларда сиз ҳам ўзингизни ғоятда шодимон, бахтиёр сезасиз.

Турмуш ўртоғингизни айтмайсизми. Гулни олаётиб, юз-кўзлари кундай ёришиб, ойдек тўлишиб кетади. Унинг нигоҳлари, нимтабассумларида ҳаётдан ризолик, аёлларга хос ибо, ҳаё, ор-номус фазилатлари балқийди. «Бахтимизга омон бўлинг, бегим, сизни танлаб, сизга кўнгил қўйиб, янглишмаган эканман, минг шукр, биргаликда ҳамдард, ҳамнафас бўлиб, бир-биридан ширин, хулқда, ахлоқ-одобда ҳавас қилса арзийдиган мўмин-қобил фарзандларни ўстириб, вояга етказдик. Эндиликда биргаликда уларнинг бахтини ҳам кўрайлик».

Ана шунақа. Гул аёл қалбининг нозик торларини чертиб, жунбушга келтиради, кўнглининг, юрагининг туб-табларидаги орзу-ҳавасларини юзага олиб чиқади. Энг яхши сўзлар, самимий тилаклар учун туртки бўлади. Гул ҳар қандай шароитда ҳам аёлларни гулдек яшнатиб, гўзал қилиб юборади.

Модомики, шундай экан, биз, эркаклар аёлларга фақат байрам кунларида эмас, бошқа пайтларда ҳам гул совға қилишни унутмайлик, одат қилайлик. Бу билан сиз уларнинг кўнглини тоғдек кўтарасиз. Рўзғор ташвишлари, чарчоқларини бир зумда ёзиб юборасиз. Ва демакки, уларнинг умрига умр қўшган бўласиз. Бу билан ўзингизнинг ҳам тинчлигингиз, хотиржамлигингиз, сиҳат-саломатлигингиз, бахтиёрлигингизни таъмин этган бўласиз.

Носир РИХСИЕВ.

МЕН ОФТОБГА АЛИШМАМ...

Томиримни тирнар қўҳна саволлар,
Юрагимда гуллар ширин ҳаёллар,
Эй Сиз ўзбекойим, офтобжамоллар,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Миллатнинг эртаси, миллатнинг насли,
Сиз атир нафасли, Сиз райҳон сасли,
Кетмас бўлиб келган баҳорсиз асли,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Ўзбекий оҳанг бор қўлларингда,
Дурни тамшинтирар ёғдуларингда,
Ором ороланар тўғуларингда,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Сизлар борсиз, сўзимизда садо бор,
Сизлар борсиз, ишқ, ахлида гадо бор,
Сизлар борсиз, менг бир дардга даво бор,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Офтоб ожиз асли онам олдида,
Бибихоним юрагимнинг ёдида,
Сиз яшайсиз, Мохларойим додида,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Гул узсам тутунга қўлим гуллайди,
Мен сизга етгунча йўлим гуллайди,
Поёнчизда ўлсам ўлим гуллайди,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Маҳмуд ТОИРОВ.

САОДАТ СОҲИБАЛАРИ

Илм-фан тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатиб, элга танилган, ҳатто академиклик даражасига кўтарила олган ўзбек олима аёллари ҳақида нима биламиз? Бугун – айём арафасида ўзларининг сермашаққат ва самарали изланишлари туфайли ана шундай юксак номга сазовор бўлган ва бўлаётган аёлларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ҳазм этдик.

ҲАДИЧА СУЛАЙМОНОВА. Бу ном нафақат Ўзбекистон, балки қатор ҳорижий мамлакатлар илмий жамоатчилигига ҳам яхши маълум. У етук олима, таниқли давлат арбобларидан бири эди. Мамлакатимизда ҳуқуқий билимлар ривожида Ҳадича Сулаймонованинг бой илмий салоҳияти салмоқли ўрин тутади.

Ҳар бир соҳанинг ўз донишмандлари бўлгани каби профессор Ҳ. Сулаймонова ҳам Ўзбекистонда ҳуқуқий илмга асос солганлардан бири бўлди. Зеро, у ўзбек хотин-қизлари орасида етишиб чиққан биринчи ҳуқуқшунос олима, профессор эди. Унинг шу фан соҳасига доир асарлари замондош олимлар томонидан юқори баҳоланди. Кўп қиррали илмий фаолияти туфайли у мамлакатимиз хотин-қизлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон фанлар академиясига ҳақиқий аъзо этиб сайланди.

Ҳозир республикамиз пойтахтидаги марказий кўчалардан бири шу академик номи билан аталмоқда.

МАҚСУДА ХОЖИНОВА. Ўзбекистон фани тарихи саҳифаларидан унинг номи ҳам ҳақли равишда ўрин олди. Бутун умрини илм-фан, олий таълим ривожига бахшида этган бу йирик олиманинг тўқимачилик ва енгил саноатнинг илмий йўналишларини тараққий эттиришга қаратилган қатор монографиялари, ўқув қўлланмалари босилиб чиқди.

Фан арбоби, узоқ йиллар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини бошқарди, малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёнига фаол бош қўшди. Фаннинг шу йўналиши бўйича олиб борган илмий фаолияти учун профессор М. Ҳожинова республикамизда биринчи бўлиб Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги деган унвонни қўлга киритди.

ХОСИЯТ КОМИЛОВА. Ўзбек хотин-қизлари орасида илм-фан соҳасида яхши танилган етук олималардан эди. Самарали изланишлар олиб борган олима ўзбек тилшунослигини чуқур тадқиқ этиб, шу фанни янги камолот босқичига кўтаришга муносиб ҳиссасини қўша олди. Унинг бу хизматлари тақдирланиб, тадқиқотчи Ўзбекистон Фанлар академиясига мухбир аъзо этиб сайланди.

РАҲИМА АМИНОВА. Кўп қиррали илмий фаолияти билан мамлакатимизда яхши танилган фан арбоби Р. Аминова ҳам Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоларидан бири ҳисобланади. У йирик тарихчи олима сифатида баракали тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Фан фидойиси томонидан яратилган тадқиқотларнинг кўпи монографиялар кўринишида чоп этилди. Ўзбекистон тарихининг ривожланиш босқичига доир йирик илмий ишлари миллий маданиятимиз ривожининг бугунги жамолини ёритишга ҳисса бўлиб қўшилди.

Устоз олималари изидан бориб, ўз ихтисослиги бўйича кўзга кўринган фан захматкашлари бўлиб етишган йирик тадқиқотчилар сафи ортиб бомоқда. С. Азимжонова, М. Аскарова, М. Ашрапова, каби бутун умрини илм-фанга бағишлаб келаётган олималаримиз ана шулар жумласидандир. Биз халқимизнинг шундай зиёли хотин-қизлари — саодат соҳибалари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Акбар АЛИЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

Саҳифага мактублар

ТЎҚҚИЗ ФАРЗАНДНИНГ ТЎҚҚИЗ ДОВОНИ

ҲАР йили 8 Март байрамида уйимиз қариндош-уруғлар, бошқа шаҳар ва туманлардан келган меҳмонлар билан гавжум бўлади. Бу бежиз эмас. Уларнинг кўпларига отам, айниқса, онам устозлик қилишган. Бирлари дурадгор, бирлари бешикчи, сандиқчи, наққош ёшлар ота-онамни айём билан табриклашади.

Оиламиздаги тўққиз фарзанд тўққиз довон ошиб, ҳар бири битта-иккитадан касб эгаси бўлишди, айниқса, бу борада онажонимизнинг хизматлари катта бўлди. Болалик чоғимиздан «ҳой ўғлим, ҳой қизим, кўзимиз тириклигида бизнинг касбни эгаллаб олинглар», деб меҳнатга жалб этишди. Энди бўлса хонадонимиз тадбиркорлар оиласи сифатида ҳар йили Янгийўл шаҳар кўригида олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда. Бундан икки йил аввал вилоятда биринчи ўрин бизга насиб қилди.

Мен буларни мақтаниш ниятида айтаётганим йўқ. Балки, ҳар биримиз мустақиллик мевасидан баҳраманд бўлганлигимиз учун фахрланиб айтяпман.

Бугун газета орқали билдирадиган истагим ҳам бор. Отам Аҳмаджон, онам Ҳалимахон Раимжоновалар тарбиялаган шогирдлар ва ўз оиламиз номидан тадбиркорларнинг барчасини, айниқса, ҳаётимиз гуллари бўлган аёлларни бугунги байрам билан қутлайман, уларнинг қўллари ҳеч қачон дард кўрмасин, дейман.

Мавлуда РАИМЖОНОВА,
Янгийўл шаҳри.

ШОДМИЗ, ХУШНУДМИЗ

КУНИ КЕЧА хўжалигимизда узоқ йиллар меҳнат қилиб, жамоатчилик ўртасида катта обрў орттирган миришкор сабзавоткор Муҳаббат опа Соатовани нафақага кузатдик. Қутладик, яхши ниятлар билдирдик.

Шу дамларда мен бу мунис ва меҳрибон, дилкаш ва жафокаш аёл билан ҳамкасб бўлганлигимдан ғоятда фахрландим. Ўз касбимга бўлган меҳрим яна ортди. Озми-кўпми элга нафимиз тегаётганлигини ҳис қилиб, дилим равшан тортди.

Мана, ҳозирги пайтда кунига юртдошларимиз учун кўплаб сабзавот — бодринг, помидор жўнатиб турибмиз. Бу ноз-неъматлар аминманки. Аёллар йилининг биринчи байрамида уй бекаларининг дастурхонига файз киритади. Бундан ғурурланмай бўладими! Бироқ, уруғни сепиб, уни ундириб, кўчат қилиб, экиб, парваришлаб ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмади, албатта. Бугун юртимизда Муҳаббат опа сингари — жафокаш, меҳрибон аёл — оналарнинг меҳнати қадр топиб бораётганлигидан ғоятда мамнунмиз. Бу эътибор, ҳурмат бизни янада баракали меҳнат қилишга ундайверади.

Санобар ҒОЗИЕВА,
Тошкент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги иссиқхонаси пудратчи-сабзавоткори.

ОЛМАЗОРДАН БОШЛАНУР ВАТАН

Тадбиркор аёллар ҳақида ҳикоялар

СУҲБАТДОШИМИЗ ҳақида: Муҳаббат Шоюсупова, 1965 йилда Чиноз туманидаги Олмазор қўрғонида туғилган. 1987 йилда Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳининг савдо иқтисоди кулиётини битирган. Шундан бери савдо соҳасида меҳнат қилади. Айни дамларда Чиноздаги «Олмазор-М» ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари. Оилали, 2 нафар қизи бор. Турмуш ўртоғи ҳам у билан бирга ишлайди.

— Муҳаббат Шокировна, айтинг-чи, ҳозирги вазифангиз аёл киши учун қийин эмасми? Қолаверса анча югур-югури кўп экан. Сиз меҳнат қилаётган ҳиссадорлик жамияти асосан нима билан шуғулланади?

— Ростини айтсам, болалигимдан бир жойда ўтириб ишлайдиган ишни ёқтирмайман. Аслида касбим бошда шуни тақозо этса ҳам. Ўрганиб кетганман. Ҳозирги давр бир жойда депсиниб туришни хуш кўрмайди. Жамоамизга Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Янгийўл ва Чиноз туманлари аҳолисини халқ истеъмоли ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдек масъулиятли ва шарафли вазифа юклатилган. Эл дастурхонини кундалик эҳтиёж моллари билан узлуксиз таъминлаш унчалик онсон иш эмас. Ахил жамоамиз бунинг уддасидан чиқяпти. Ҳозиргача аҳолиданг бизнинг шаънимизга фақат-гина илиқ гаплар айтиляпти.

— Ана шу мол-маҳсулотлар қаерлардан келтирилади?

— Биз асосан озиқ-овқат маҳсулотларини республикамиздаги йирик савдо базалари ва заводларидан оламиз. Қурилиш материалларини эса йил бошида тузилган шартномага асосан Россия ва Қозоғистон республикаларидан келтирамиз. Режага кўра йил охиригача 3,5 минг тонна шакар, 600 тонна ўсимлик мойи ва ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилиб, тегишли савдо шаҳобчаларига етказиб берилади. Уларни ташиб келтириш учун етарли миқдорда транспорт воситасига эгамиз. Аҳолини 8 турдаги кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳар доим захирамиз етарли. Пештахталарни бўш туриб қолишига асло йўл қўйилмайди. Бунинг учун эса ишчан ходимларимиз доимо изланишда. Сафарда. Аҳоли талаби асосида ҳамдўстлик мамлакатларидан маҳсулотларни шартнома йўли билан олиб келишга эришяпмиз. Истеъмолчилар талаби биз савдо ходимлари учун қонун. Биз транспорт ва бошқа харажатларни камайтириш мақсадида ташкил этган макарон ва қандолат цехларимизнинг сифатли маҳсулотлари айни пайтда харидорларга манзур бўляпти. Ҳозир бу ерда 10дан зиёд турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Муҳаббатхон, жамоангизда асосан ёшлар, аёллар меҳнат қилишаркан...

— Журналист халқи анча синчков бўлади-да. Тўғри. Ишчи-хизматчиларимизнинг 80 фоизи аёллар. Ҳурматли Президентимиз томонидан эълон қилинган «Аёллар йили»да хотин-қизларга бўлган эътибор янада кучаймоқда. Улар турли хил ғамхўрликлар қуршовида. «Қувонч» нўмли икки қаватли, 120 ўринли болалар боғчаси кичкинтойлар хизматида. У ерда бассейн, спорт зали ва бошқа барча қулайликлар мавжуд. Боғчада аксарият атрофимиздаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бепул тарбияланади. Тарбиячиларга маошни ҳам жамоамиз тўлайди.

— Кадрлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Шуни қувонч билан айтишим лозимки, жамоамиз ташкилотчи ва сергайрат кадрларга эга. Жамоамиздаги ахиллик туфайли ҳам эришаётган ютуқларимиз салмоқли бўляпти. Ҳозир нафақада кексалик гаштини сураётган Клавдия Ивановна Шелдяева жамоамизда узлуксиз 40 йил самарали меҳнат қилганлар. Шундан 23 йилида директор бўлганлар. Биз устозимиздан тез-тез хабар олиб турамиз, маслаҳатларини аямайдилар. Ҳозирги раҳбаримиз Йўлдош Узоқбоевич Мадумаровни ҳам нафақат жамоада балки вилоятда обрўйи баланд. У киши кўп йилдан бери жамоага моҳирлик билан бошчилик қилиб келяптилар. Ишчан ходимларимидан бош ҳисобчи Абдураҳмон Исроилов, ҳисоб-китоб илмини сув қилиб ичган Галина Шилина, Барно Очилова, Карима Богданова, Мунира Айдерова, Аида Аганезова, ишчилардан Ўктам Худойберганов, Маъдихон Дўстматовлар ўзларининг ҳалол хизматлари билан эл назарига тушишган.

— Жорий йилда кўзда тутилган режалар нималардан иборат?

— Биз 5 йил мобайнида Санкт-Петербургдаги йирик савдо ташкилотлари билан ўзаро алоқа ўрнатдик. Бу алоқаларимиз 1997 йилда божхона хизматидаги айрим муаммолар ва харажатлар туфайли тўхтаб қолди. Амалдаги йилда биз ўша алоқаларни тиклашга келишиб олдик. Вакилларимиз яқинда Красноярск ва Свердловск шаҳарларида бўлишиб, тегишли мутасадди ташкилотлар билан шартномалар тузиб қайтишди. Ўз навбатида улардан келган мутахассислар ҳам туманимизда бўлишди. Мазкур шартномага биноан биз уларга хўл мева, консерва маҳсулотлари, ип-газлама, пахтадан тайёрланган уст-бош ва турли хил материаллар етказиб берамиз. У ердан эса ўзимизга керакли мол-маҳсулотлар оламиз, келтирамиз. Ҳар иккала шаҳарда насиб этса шу йилнинг июнь-июль ойларида ўзимизнинг савдо уйимизни ва миллий ўзбек таомлари тайёрлайдиган ресторанларимизни очишни мўлжаллаяпмиз. Ана шу савдо шаҳобчаларидан тушган даромадлар эвазига эса у ердан товарлар сотиб олинади.

— Муҳаббатхон, сиз аёл, она сифатида ўзбек аёлининг қандай бўлишини истардингиз?

— Биринчидан, аёл боши осмонга етса ҳам, ўзини эридан бир поғона пастман деб ўйлаши лозим. Чунки у ўз номи билан аёл. Оиладаги фарзандлар у қизми, ўғилми дастлабки сабоқни онадан олишади. Ундан ўрганишади. Эрини ҳурматини жойига қўймаган хотиннинг қизи қуёвини бошига кўтаришга сираям ишонмайман.

Аёл камтарин, яхши уй бекаси, вафодор бўлмоғи лозим. Шундагина унинг барча орзулари ушалаверади.

— Мана ҳадемай азиз онажонларимиз, азиз опа-сингилларимизнинг байрами...

— Мақсадингизни тушундим. Муҳтарам Президентимизнинг 1999 йилни «Аёллар йили» деб аташи бир она сифатида мени ҳам беҳад хурсанд қилди. Биз аёлларнинг, фарзандларимизнинг бахтига ана шундай элим, юртим, деб эртаю кеч қайғураётган, азиз юртбошимиз узоқ йиллар омон бўлсинлар. Аёлларимиз ҳамиша хонадоннинг оқила бекаси, фарзандларининг меҳрибон онаси, турмуш ўртоқларининг эса жонкуяр, меҳрибон ва қадрли, энг азиз кишилари бўлишсин. Эзгу ниятим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Мен бугун Ватан ўзимининг оддийгина Олмазор қишлоғим эканлигини юрак-юракдан ҳис этдим. Ҳа, мен учун Ватан Олмазордан бошланади.

Ўткир САИДОВ,
Орзикул МАЪМУРОВ.
СУРАТДА: Муҳаббат Шоюсупова.
А.РАҲИМОВ сурати.

ҚАДРИНГИЗ ҚАДР ТОПАР

АБДУЛЛА Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият олийгоҳида вилоят маданият ишлари бошқармаси, вилоят илмий-услубиёт маркази ҳамкорлигида аёллар йилига бағишлаб «Тошкент вилоятида фольклор санъатини ривожлантиришнинг ўзига хос усуллари» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Унда филология фанлари докторлари, профессорлар Малик Муродов, Ғайрат Жалолов, бастакор Раҳматжон Турсунов, филология фанлари номзодлари Саодат Йўлдошева, Равшан Жоманов ва бошқалар умуминсоний қадриятлар, халқ ижодиётида аёл мадҳи, аёл тимсоли каби мавзуларда маърузалар қилдилар. Сўзга чиққанлар жамиятимизда аёлларнинг тутган ўрни, уларнинг меҳнати, қадр-қиммати ҳақида тўлқинланиб гапириб, тобора оммалашиб бораётган ва ривожига кенг йўл очилаётган фольклор санъатида бу нарсаларни тўлақонлироқ акс эттириш зарурлигини таъкидладилар.

Абдуқодир ҚАЮМОВ.

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

❁ СУЮМЛИ аёл ўз иқтидорини фарзандлари камолоти учун сарфлагай. Бундай мевалар жамият ва табиат равнақи учун узатилган бетакрор руҳ манзараларидир.

❁ СЎНГСИЗЛИК қўнғироқлари ичра бир муқаддас ва оҳангграболи қўнғироқ борким, ул меҳр қўнғироғидир. Меҳр маъбудасига айланган аёлгина ўша қўнғироқ садоларини эшитгай.

❁ ОНАНГ учун ҳимоя қуролига айлангилким, бу қурол сенинг охиратингни обод айлаб, йўлингдаги фужур адафларини қунфаякун қилгай. Заифаларга нисбатан кўпроқ ўғлонлар оналар ҳимоясига отлансинлар.

Ҳурматли қизим, НИЛУФАР!

Сени туғилган кунинг ва 8-Март байрами билан чин қалбимдан табриклайман! Сенга узоқ умр, бахт-саодат тилайман.

Агар олам гулларга тўлса, барча гуллар сеники бўлсин. Агар олам нурларга тўлса, уларнинг барчаси сеники бўлсин!

Ҳурмат-эҳтиром билан,
Падарибузрукворинг: Ҳусанбой ЖАЛОЛОВ,
Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги.

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

❁ АЁЛ киши поклиги, номусини қўлдан бой бермаса, демак, у тўғри ва бахтли ҳаётга ҳақли. Аёл учун энг гўзал безак ҳаёдир.

❁ ЗАИФАЛАР учун энг биринчи таянч — уларнинг ҳаёси. Иккинчи таянчи — меҳнатсеварлиги. Учинчи таянчи — қадрига етгувчи эркак. Шу уч таянч билан заифа бахт қасрининг эшигини очгай.

❁ ЕР ЮЗИДА саодат боғини излагувчи ўз волидаи меҳрибони пойини озода тутсин. Саодат тожи ўшал зотга тегишлидир.

❁ ЎЗ ҚАНОАТИНГ ажридан умид гулини топгайсанким, бу гул энг ноёб чечакдир.

❁ СЕРФАРЗАНД аёлларни Аллоҳ хуш кўради. Бироқ, ўртача фарзандлик аёллар ўта меҳнаткаш бўлса, уларни кўп болалик аёллардан ҳам ортиқ суяди.

АЗИЗ КУНДА АЗИЗ КИШИМСАН

1999 йил

Тошкентнинг Чиғатой мавзесида пири-бадавлат отахон, урғуш ва меҳнат фахрийси, 83 ёшли Нажмиддин Салимов ва Ҳурихон аялар умргузаронлик қилишади. Бу хонадонда вояга етган уч ўғил ва олти ойпопук қизлар бугунги кунда элу-юрт хизматига камарбаста. Ўттиздан ортиқ невара, эллик нафар эваралар бува ва бувижонлари қучоғида эркалик қилишади.

Нажмиддин ота жуфти ҳалолларининг саксон ёшга кирган кунларида, меҳру-муҳаббат байрами арафасида «Онаси, сиздан битта кўйлаклик қарздор бўлиб қолдим. Худо хоҳласа, албатта, олиб бераман» дея илтифот қилдилар.

(Бадиа)

Битта янги кўйлакка етгулик мато,
жиндек истироҳат —
Қарздор бўлиб қолди Нажмиддин ота —
Ҳурихон момодан...

Товусдай товланган гўзаллар ҳавас-ла
қараётирлар,
Ботирлар, шотирлар жим...
бораётирлар —
Қарздор бўлиб қолгандек Ҳурихон
момодан.
Нажмиддин ота Эскижува ёки
Чиғатойида,

Айтайлик, жўяли сўз айтиш бобида
бировдан қарздор бўлиб қолганми,
қачон?!
Ҳаёт ҳақиқатлари оби-тобида —
Сўз ахир иплари қаттиқ тортилган
камон.
«Ўтган умримиздан розиман, онаси,
Битта боғ яратдик, шукронамдир шул.
Зиёвуддин, Оловуддин... яна Муҳиддин,
Қизалоқларим бор...

Сен ҳафа бўлма, келиб қолди гапнинг
хонаси —
Биз кексалардан шундай тароват,
шундай сархил боғлар қолгани маъқул!»

Ҳурихон аянинг йиллар тилимлаган
Упа-элик нималиги билинмаган
Салқи юзлари яшнаб кетди,
Нажмиддин отанинг илтифотидан.
Кекса қалблар зийрак нигоҳ-ла
қаращдилар,
ўтган кунларига шукрона айтиб,
бир-бировини алқаб, сийлашдилар...

Ўша топда мен туйган қарздорлик олдида
ҳар қандай сафсата ўринсиз, омонат!
Ахир, айтинг, яна кимнинг олдида
бурчлиман ҳамон.
Ва кимнинг беозор қалбида
Мендан қолди ёмон от?!

Шу топда
мен туйган қарздорлик
ҳисси олдида —
ёлғонларим,
ваъдалардан тонганларим —
Ростгўй сўзга элчи бўлиб борганларим —
Омонатдир, омонатдир, омонат!

Хуллас, битта янги кўйлакка етгулик
мато
жиндек истороҳат,
жиндек Ражабийнинг баётидан,
қарздор бўлиб қолди Нажмиддин ота —
Ҳурихон момога...

Алп йигитлар кўтаролмайдиган
Сўнгсиз шодлик топган бўлдилар,
Ҳурихон момом —
Нажмиддин отанинг инжа илтифотидан.

Нажмиддин ота тун бўйи ухлолмади. Салкам бир асрлик умри мобайнида одамларга қилган, қилмаган яхшиликларини бир-бир хаёлидан ўтказди. Аслида умр йўлдоши Ҳурихон аянинг кўйлаклари ҳам кўп. Аммо, мана шундай азиз кунда, азиз кишисини йўқламоқ ҳам буюк шарофатдир.

...Нажмиддин ота саҳар туриб, бозорга отланди...

Шавкат ТУРОБ.

Аёллар йили

ОҚ ФОТИҲА ЁР БЎЛСИН!

...Саломат момо яшар, Кўктерак деган жойда. Ҳар саҳар фотиҳада, ўзиям сўзга бой-да. Она айтган оқ фотиҳа, элу-юртга ёр бўлсин. Унинг нурли ниятлари ҳар доим бисёр бўлсин. Она истар аввал тинчлик, оилада баракот. Ҳур-Ватанга ривож истар, истар бахту-саодат. Бешикдаги болакайлар, қиқир-қиқир кулсинлар. Келажакда ўз халқига камарбаста бўлсинлар. Ғанимларнинг хоҳишини, Аллоҳ ўзи рад этсин. Ола қараш қилган унсур, жаҳаннамга бот кетсин. Мард улуснинг номи ўзбек, Юртбошиси зўр бўлсин. Унга қарши турганларнинг, икки кўзи кўр бўлсин. Ҳур ўлкамиз мангу бўлғай, шундайин халқнинг майли, Ўзбекистон гуллайверсин доно раҳбар туфайли. Юздан ошган моможоннинг, айтган сўзи рост бўлсин. Бизга атай қасд қилганлар, икки дунё паст бўлсин.

...Саломат момо яшар, Кўктерак деган жойда. Ҳар саҳар фотиҳада, ўзиям сўзга бой-да.

Раҳим УМАРИЙ.

Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

ОИЛА — ЖАМИЯТ УСТУНИ

Тошкент Давлат Жаҳон тиллари университетида аёллар йилига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда аёлларнинг оила ва жамиятдаги ролини ошириш, уларнинг иж-тимоий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинаётганлигини таъкидладилар, оилада бола тарбиясини тўғри йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

(ЎзА).

Об-ҳаво

Байрам кунларида об-ҳаво қандай бўлади? Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан бизга хабар қилишларича, 6-10 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Баҳор ҳавоси бўлганидан кейин вақти-вақти билан ёмғир ёғиши, айрим ҳудудларда эса туман тушиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Муҳими қайфиятимизни туширмаган ҳолда байрам кунларини шўх-шодонлик билан ўтказайлик. Ҳаво ҳарорати кечалари 0-5 даража, кундуз кунлари эса, 15-17 даража илиқ бўлиши кутилади.

ДУШАНБА, 8

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Зеболанинг келибсиз». Мусиқий дастур.
9.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.30 Халқаро хотин-қизлар куни 8-Мартга бағишланган тантаналаи йиғилиш ва концерт. «Туркистон» соройидан ёзиб олинган.
11.00 «Зийнат».
11.40 «Аёл оламни асрар».
12.10 «Увайсий». Миллий рақс томошаси.
13.00 «Ўзбекистон қаҳрамонлари». Онесция Сеитова.
13.15 Болалар учун. «Куплов».
13.45 «Кевинлар қўзғолони». Бадиий фильм.
15.00 «Цирк, цирк, цирк...»
15.25 «Мунис чеҳралар».
15.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳаёл». Премьера.
15.55 «Турон қизлари». Бадиий спорт дастури.
16.35 «Ҳа, ҳа, ҳа...» Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
16.40 «Баҳром ва диларом». Мультфильм.
17.10 «Муҳаббат дарси».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сизга таъзим». Мусиқий дастур.
18.45 Телевизион миниатюралар театри.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Экран қуйлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қизлар давраси».
22.40 «Ажаб саодат эрур...» Байрам кўрсатуви. 1-қисм.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Ажаб саодат эрур...» Байрам кўрсатуви. 2-қисм.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.00 «Бунчалар гўзалсиз». Мусиқий дастур.
10.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
11.00 «Лаззат».
11.30 «Мафтункор чеҳралар».
11.50 «Ташрифинг муборак, Баҳор».
12.20 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
13.40 «Мунисим онам».
13.55 «Минг бир маслаҳат».
14.10 «Есения». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.10 «Гулянсиз, райҳонмисиз...»
15.25 «Темурнома». Юртим деб, элим деб.
15.45 «Саноат».
16.05 «Ақл ёшдамас».
16.20 Синема.
17.55 «Мусиқий лаҳзалар».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта таноффус»)
18.35 «Темурнома». Бисёр олий иморатлар.
18.55 «Байрам табриги».
19.00 «Даврə».
19.30 «О, ёшлигим...»
19.50, 20.35, 23.30 Эълонлар.
19.55 «Ешлар» телеканалида премьера. «Келин салом». Видеофильм. 2-қисм.
20.40 «Кулгига нима етсин».
21.05 «Ҳудуд».
21.30 «Маслаҳат».
21.55 «Байрам табриги».
22.00 «Даврə».
22.30 «Байрам табриги».
22.35 «Обид-шоу».
23.35 Синема. «Иккиланган қўллиқ қилади».
01.20 «Байрам» концерти».
01.50 «Хайрли тун!»

ЎзТВ-III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ерилтош». Мультфильм.
9.20 Дилором наволар.
9.40 С. Имомов. «Сойбўйи» оперетасидан. Мусиқий комедия Ўзбек Давлат мусиқий театр спектакли.
11.55 «Тасонно».
12.35 Болажонлар экрани.
14.05 «Ҳанда дўкони».
14.25-16.05 Кинонигоҳ.
***
17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Сен ҳақингда ва сен учун» (рус тилида)
18.25 Телефакт (рус тилида)
18.35 «Ташаббус». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Онагинам». 1-қисм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Онагинам». 2-қисм.
21.40 «Офисима» бари фирибгарлари». Телесериал.
22.30 «Телефакт».
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 «Спорт-тойм».
23.10 «Биз сизни севамиз». 8-Март кунига бағишланган кўрсатув.
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 Саргузашт фильмлар экрани.
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Дил изҳори».
*
15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Д'Артаньян ва уч мушкетер». Бадиий фильм. 1-серия.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20 Швециялик ажойиб тўртлик «АББА» фильмида.
19.05 Леонид Ярмольник Дмитрий Астраханованинг «Чорраҳа» комедиясида (1998 йил)
21.00 «Время».
*
21.35 «Замонавий дизайн». Байрам дастури.
22.00 «Бурҳлар бошорати».
23.00 «Вести».
23.35 Киносеанс. Патрик Суэйзи «Рақслар» фильмида.
01.10 «Ахборот» (рус тилида)
01.35-01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 9

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Улоқ».
9.15 «Санъат олами».
9.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.30 «Куй ва тасвир».
10.50 Кундузги сеанс: «Қойилмақом иш». Бадиий фильм.
12.05 Фавқулодда 20 дақиқа.
«Умид» намойиш этади:
12.25 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
12.55 «Шоирлар — болаларга».
13.20-14.00 «Саҳна маликалари».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо доврасида».
18.30 «Шеър ва шуур».
18.40 «Мухлис ёҳуд қўшиқ изидан». Мусиқий дастур.
19.05 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен баҳорни сонидим». Мусиқий дастур.
21.45 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 27-қисм.
22.35 «Киёфа».
23.05 «Узлигинг намоён қил». Экранда — Қорақалпоғистон.
23.45 «Ахборот».
00.15 «Ноёб тур». Бадиий фильм.
01.30 -01.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
Телесериал. 27-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Мутолаа».
19.45, 20.30, 22.30 Эълонлар.
19.50 «Ешлар» телеканалида премьера. «Келин салом». Видеофильм. 3-қисм.
20.35 «Ҳамкорлик».
20.50 «Марду майдон».
21.05 «Енматан ёзувлар».
21.25 «Мунисам».
21.40 «Темурнома». Дорулсалтанат.
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.35 Синема. «Французча буса».
00.15 «Шорқ эстрадаси».
00.30 «Хайрли тун!»

ЎзТВ-III

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ерилтош». Мультфильм.
18.20 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30 «Ташаббус». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Янги ой чиқди ҳеч».
20.20 «Қиндистондан салом!» Мусиқий тўплам.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Офисима» бари фирибгарлари». Телесериал.
21.55 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.25 «ДАРАКЧИ».
22.35 «Бешинчи ўлчов».
22.55 «Бу-джаз».
23.15 «Морт ва Фин». Мультсериал.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
*
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Бинафша».
*
15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Д'Артаньян ва уч мушкетер». Бадиий фильм. 2-серия.
17.20 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
17.50 Клип-антракт.
*
18.15 «Куйини топинг».
*
18.45 «Мультсайёра».
*
19.05 «Мавзу».
*
19.45 «Шаҳарлик фаришта». Сериал.
*
20.30 «Сопалда акс этган дунё». Телефильм.
Россия жамоат телевидениеси
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.35 «Замонавий дизайн». Байрам дастури.
22.00 «Бурҳлар бошорати».
23.00 «Вести».
23.35 Киносеанс. Патрик Суэйзи «Рақслар» фильмида.
01.10 «Ахборот» (рус тилида)
01.35-01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 10

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бахт ва кувонч упашиб».
8.55 «Меҳр қолуғ».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 27-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.35 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
11.15 «Кафолат».
11.30 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
11.45 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
12.05 Кундузги сеанс: «Эпиар чашмаси». Бадиий фильм.
13.25 «Мус-ринг». Телешоу.
14.10-15.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.40 «Шаҳар бедарвоза эмас».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиққа кўчган сатрлар». И.Раҳмон.
21.40 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 28-қисм.
«Тунги ҳамроҳ».
22.30 «Қайнона». Телеповелла.
22.55 «Табассум кўчаларида».
23.40 «Ахборот».
00.10 «Икки соҳил». Бадиий фильм.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 28-қисм.
18.55 «Мушоира».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Ҳудобнома».
19.40, 20.30, 22.30 Эълонлар.
19.45 «Изқувар Заррос». Телесериал.
20.35 «Матбуот клуби».
21.50 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.05 «Одамлар орасида».
21.30 «Мезон».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.35 «Кора ўқ». Бадиий фильм.
24.00 «Жаҳон жанговар санъати».
00.15 Синема. «Яҳудий Яқоб саргузаштлари».
01.50 «Хайрли тун!»

ЎзТВ-III

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ерилтош». Мультфильм.
18.20 «Ташаббус». Телесериал.
19.10 «Бўлиб кўйган яхши».
«Муҳаббат йили».
00.05 «Кўзгу». Тележурнал.
00.25 Эстрада концерти.
00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
*
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 «Дурдаршан».
*
15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Д'Артаньян ва уч мушкетер». Бадиий фильм. 3-серия.
17.25 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
17.55 Клип-антракт.
*
18.15 «Куйини топинг».
*
18.45 «Мультсайёра».
*
19.05 «Инсон ва қонун».
*
19.45 «Шаҳарлик фаришта». Сериал.
*
20.30 «Уйирга қайтиш». Телефильм.
Россия жамоат телевидениеси
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.35 «Шоу-шуу». Телесериал.
22.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.30 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 Киносеанс. «Коломбонинг усули». Бадиий фильм.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
01.20-01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 11

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Куйла, дилкаш дуторим». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 28-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
10.45 «Ҳуқуқий жамият сари».
11.00 «Кўшиғим, жон кўшиғим».
11.35 «Талаб ва таклиф».
12.05 «Зиё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.45 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
13.00 «Ажаб саодат эрур». 1-қисм.
14.10-15.10 «Ажаб саодат эрур». 2-қисм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.30 «Ҳариҳта». Ҳалқаро шарҳ.
18.45 «Мулкдор».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни!» Публицистик кўрсатув.
21.40 «Кўшиқларим сизга армуғон». Мусиқий дастур.
22.10 «Ғалдирнинг кўлингда». Бадиий фильм.
23.30 **«Сомон йўли».**
24.00 «Ахборот».
00.30 «Бу ҳам кино». Телесериал.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 28-қисм.
18.55 «Мушоира».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Ҳудобнома».
19.40, 20.30, 22.30 Эълонлар.
19.45 «Изқувар Заррос». Телесериал.
20.35 «Матбуот клуби».
21.50 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.05 «Одамлар орасида».
21.30 «Мезон».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.35 «Кора ўқ». Бадиий фильм.
24.00 «Жаҳон жанговар санъати».
00.15 Синема. «Яҳудий Яқоб саргузаштлари».
01.50 «Хайрли тун!»

ЎзТВ-III

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ташаббус». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Спорт оламида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Виждон». Телесериал.
21.45 «Фаровонлик бекати».
22.10 «Жума оқшомида».
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 «Кинонигоҳ».
00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
*
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 Мюзик-холл.
*
15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.10 Кундузги сеанс. «Фан-фан муҳаббат тумори». Бадиий фильм (Франция)
17.40 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
18.10 Клип-антракт.
*
18.15 «Жентльмен-шоу».
*
18.45 «Мультсайёра».
*
Россия жамоат телевидениеси
19.15 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.35 «Шоу-шуу». Телесериал.
22.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.30 «Дурдаршан».
23.00 «Вести».
23.30 «Оскар совриндорлари антологияси».
23.45 Кинематограф. «Битируучи».
01.30 «Ахборот» (рус тилида)
01.55-02.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 12

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Кўшиқ — маънавият кўзгуси». Мусиқий дастур.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Баҳор лаҳзалари».
9.10 «Устоз».
9.25 «Ишкнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Нелис тили.
10.35 «Озода бўлса шаҳрингиз».
«Умид» намойиш этади:
10.55 «Санъат қунчаларги».
11.25 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
12.05 «Мехрғиёс».
12.20 Кундузги сеанс. «Тўти қушли хоним». Бадиий фильм.
14.10-14.30 «Шарқ тароналари».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кизиқарли учрашувлар».
18.30 «Олтин тўп». Теннис клуби.
18.45 «Тилга эътибор».
19.05 «Ислоҳот ва маъсулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00, 22.50 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Назорат».
21.25 «Ишқ ва ҳаёт». Мусиқий дастур.
22.05 «Кинонинг минг бир олами».
22.25 «Битик».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури.
22.55 «Азиз сиймолар».
23.15 «Ахборот».
23.45 «Кўрсатув тайёрлаш машаққатлари». Бадиий фильм.
01.25-01.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 **«Янги авлод» студияси намойиш этади**
(«Эрқатой», «Мультомоша»)
18.40 «Ҳужжатли кино бисотидан»: «Унутилган кўшиқлар».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Кутлуғ қонъ. Терроризм қурбонлари.
19.45, 20.35, 22.30 Эълонлар.
19.50 «Изқувар Заррос». Телесериал.
20.40 «Азизим».
21.05 «Наволарда аён этсам».
21.20 «Автосалтанат».
21.30 «Аёл зоти» (Фильм ҳақидаги фикр-мулоҳазалар).
21.55 «Мусиқий лаҳзалар»
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.35 Синема. «Ошиқи девона».
00.25 «Шарқ оҳанглари».
00.45 Тунги сеанс. «Чорраҳа».
02.20 «Мунаввар тонг истаб».

ЎзТВ-III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ерилтош». Мультфильм.
9.20 «Жаҳонга ҳушлар».
9.30 «Мусиқа теграсида».
10.10 «Маслаҳат».
14.35 «Кунг-фу тарихи».
15.15 «Жаҳон жуғрофияси».
16.05 Синема.
17.40 «Хит-коллекция».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 **«Янги авлод» студияси намойиш этади** («Бўш ўтирма», «Мультомоша»)
18.40 Киноконцерт: «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Хуш келибсиз!»
19.45, 20.40, 23.10 Эълонлар.
19.50 Кўп сонли телетомошабинлар талабларига биноан «Чоликуши». Телесериал. 1-қисм.
20.45 «Спорт ҳафтаномаси».
21.00 «Бизнес-академия».
21.20 «Кинотақдим».
21.35 «Туйғу».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.30 «Кўнгил кўнглига пайванд».
23.15 Синема. «Устомон».
00.45 Мусиқий лаҳзалар.
00.55 Тунги сеанс. «Елғиз ўзи». Бадиий фильм.
01.35 «Хайрли тун!»

ЎзТВ-III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ерилтош». Мультфильм.
9.10 «Жозиба».
9.30 «Сонсет Биччинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.15 «Мисли гавҳар».
10.35 Болажонлар экрани.
12.15 «Онагинам».
13.15 «Бева Бланка». Телесериал.
14.00 «Дўстлик» видеоканали: «Чинсэ», «Наян-талан».
14.45-16.25 Кинонигоҳ.
***
17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ерилтош». Мультфильм.
18.20 «Табиат шифохонаси».
18.30 «Қонун ҳимоясида».
18.40 «Мирза Голиб». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таянч».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тосанно».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Муаллиф».
22.50 «ДАРАКЧИ».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 «Кинонигоҳ».
01.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф. «Куз афсонаси». Бадиий фильм.
11.20 «Фан-тайм» (Инглиз тили болалар учун)
11.30 «Жонли сайёра».
11.50-12.35 «Бирталикда кўйлаймиз!»
***
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Бинафша».
Россия жамоат телевидениеси
19.00 «Кулушранг серия». Луи де Фюнес, Ив Монтан «Такаббурлик» комедиясида.
21.00 «Время».
21.35 «Машҳур хужжатлар». Телесериал.
*
23.15 «Сан-Ремодаги қўшиқлар фестивали». 4-қисм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.20-00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 14

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Мозийдан бир мўъжиза».
9.30 Мусиқа билан сирлашиб.
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат-қиломан!»
11.00 «Талабалик йилларим».
11.20 «Нурли келажак».
11.45 «Кулги-терапия».
*
12.25 «Шоҳруҳ» клуби.
12.55 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий-дам олиш дастури.
13.55 «Тасвирга кўчган кўнгил».
14.15 «Қизлар давраси».
15.45-16.00 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Ўйнаб кунлар». Кинокўрсатув.
18.35 «Кишлоқ ҳақида ўйлар».
18.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, 22.35 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
21.55 «Орт ўлпонлари». Спорт дастури.
22.15 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
22.40 Кино янгиликлари.
22.55 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.15 «Дил». Бадиий фильм. 2-серия.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.00 «Ширин орзулар».
10.20 «Қалбим ардоғи».
10.35 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 28-қисм.
11.25 «Лаззат».
11.45 «Ешлар» телеканалида премьера. В.Шекспир. «Отелло». Спектакль. 2-қисм.
13.15 «Инглиз тили Сиз учун!»
13.45 «Чоликуши». Телесериал. 1-қисм.
14.35 «Обид-шоу».
15.35 «София Сафтарова қуйлайди».
15.55 «Темурнома»: «Дорилсалтанат».
16.15 «Цирк, цирк, цирк...»
16.30 Синема.
17.50 «Наволарда аён этсам».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Жиззах шаҳри ўқувчилари билан учрашув)
18.40 «Ўзбекистон қанотлари».
18.55 «Сиз ёқтирган қўшиқ».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.30 «Бир жуфт қўшиқ».
19.40, 20.30, 23.05 Эълонлар.
19.45 «Чоликуши». Телесериал. 2-қисм.
20.35 «Дунё ҳафта ичида».
20.55 «Мусиқа салтанати». Гулбаҳор Сулаймонова.
21.15 «Далия ва шарҳ».
21.25 «Бари ҳазил».
21.40 «Миллионлар ўйини».
21.55 «Юртим кўрки».
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.30 «Жараёнлар».
22.45 «Кинопрофиль».
23.10 Синема. «Янги Робинзонлар».
00.45 «Тонг юлдузи».

ЎзТВ-III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ерилтош». Мультфильм.
9.25 «Дилором наволар».
9.40 «Сонсет Биччинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.25 «Тоссано».
10.50 Болажонлар экрани.
12.20 «Ишдан ишқ ёки...»
12.50 «Бева Бланка». Телесериал.
13.35 «Латифа».
13.55 «Еввойи табиат».
14.20-16.00 Тахрорий фильмлар экрани.
***
17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ерилтош». Мультфильм.
18.35 «Комолот сари».
19.00 «Дурдона».
19.15 Мусиқий таноффус.
19.25, 20.00, 20.25 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Эл тинчлиги — юрт бойлиги».
20.20 Маҳаллари фильм.
20.30 «Тахлилнома».
21.10 «Даллас». Телесериал.
22.00 «Етти иклим оҳанглари».
22.05 «Хориж ҳангомаси».
22.20 «Жавоҳирлар сохили».
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 «Спорткент».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 «Кинонигоҳ».
00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.20 «Парле ву франсэ?»
10.45 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
10.55 Оскар совриндорлари антологияси.
11.10 Кинематограф. «Битируучи».
12.55-13.35 «Дўстлик» видеоканали.
***
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Тенгдошлар».
19.10 Клип-антракт.
*
Россия жамоат телевидениеси
19.15 «Олтин серия». Евгений Евстигнеев «Тағрадаги қиш туни» фильмида.
*
21.00 «Ассалом, Франция!»
21.30 «Бу ажиб дунё».
21.45 «Мюзик холл».
22.05 Якшанба кинозали. «Мижо